

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Экология, атропо-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси
К. Жуманиёзов
“ 11 июнь 2024 йил



**Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо-мухитни муҳофаза қилиш
ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши
БАЁННОМАСИ
01-2-сон
(офлайн ва онлайн шаклида)**

2024 йил 11 июнь

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

Жуманиёзов Камол Комилович

Йиғилиш котиби:

И. Дўстмуратов

Иштирокчилар: Жамоатчилик кенгаши аъзолари

Йиғилишга раислик этувчи:

Жуманиёзов Камол Комилович– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутаты

Йиғилишга котиблик қилувчи:

Дўстмуратов Исмаи – Ўзбекистон Республикаси Экология, атропо-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мутахассиси.

Жамоатчилик кенгаши йиғилиши кун тартиби:

Жамоатчилик кенгаши фаолияти юзасидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисида

1. Кун тартибидаги биринчи маала юзасидан Жамоатчилик кенгаши раис ўринбосари И. Каримов очиб, қуйидагиларни баён этди:

Таъкидлаш жоизки, Мамлакатимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги ва туризм соҳаларини янада ривожлантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг инсонлар соғлиғига зарарли таъсирини олдини олиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳаларни ривожлантирилишда бу йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштироки жуда муҳим. Амалга оширилаётган ислохотларда жамоат назоратини ўрнатиш, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш борасида фаоллик талаб этади деб сўз якунлади.

2. Иккинчи масала юзасидан Кенгаш котиби И. Дўстмуратовнинг ахбороти тингланди:

Мамлакатимизда мустақил фуқаролик институтларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларни таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очик, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фшқароллик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари яратилди, давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан ислох қилинди, коррупцияга қарши курашиш механизмларининг қонунчилик асослари яратилди.

3. Навбатдаги масала юзасидан Кенгаш раиси ўринбосари Г. Исраилованинг ахбороти тингланди:

Жамоатчилик кенгашининг иш режа лойиҳасини шакллантиришда ҳар бир нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз йўналишида турли ижтимоий тадбирларни лойиҳарни амалга оширишни кўзда тутувчи, нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фаолиятни яхшилаш, хориж тажрибасини ўрганиш ҳамда туризм соҳасини

самарали ташкил этиш бўйича Туризм қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган мезонлар ассосида лойиҳаларни шакллантиришни таклиф этди.

4. Охирги масала юзасидан Ўзбекистон социал туризм уюшмаси раиси М.Султанова, туризм соҳасида мутахассиси Т. Мирзаев сўзга чиқиб, туризм соҳасидаги муаммолар, камчиликлар ва уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар билан фикр алмашишди.

Юқоридагиларга кўра, Кенгаш йиғилиши қарор қилади:

1. Мазкур баён маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Кенгаш раиси ўринбосари Г. Исраилованинг – турли ижтимоий тадбирларни, лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи, нуфузли нуфузли халқаро ташкилотлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда фаолиятни яхшилаш, хориж тжрибасини ўрганиш ҳамда туризм соҳасини самарали ташкил этиш бўйича Туризм қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган мезонлар ассосида лойиҳаларни шакллантиришни тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.
3. Кенгаш котиби И. Дўстмуратов – мазкур баён Экология вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.